ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ, ҚОРАҚАЛПОҚ ИЖТИМОИЙ ФАНЛАР ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017. Tar.01.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

КАМОЛИДДИН БЕҲЗОД НОМИДАГИ МИЛЛИЙ РАССОМЛИК ВА ДИЗАЙН ИНСТИТУТИ

МУХАМЕДОВА МУНИСА САБИРОВНА

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИЙ ШАҲАРЛАРИДАГИ МУЗЕЙЛАШТИРИЛГАН ОБЪЕКТЛАРДА ТУРИЗМНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ (XX АСР II ЯРМИ – XXI АСР БОШЛАРИ)

17.00.06 – Музейшунослик. Тарихий-маданий объектларни консервация қилиш, таъмирлаш ва сақлаш

ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

УЎК.338.483.12:069 (575.1)

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of abstract of the doctor of philosophy (PhD) dissertation

Мухамедова Муниса Сабировна
Ўзбекистоннинг тарихий шаҳарларидаги музейлаштирилган объектларда туризмнинг шаклланиши ва ривожланиш истиқболлари (XX аср II ярми – XXI аср бошлари) 3

Мухамедова Муниса Сабировна
Формирование и перспективное развитие туризма в музеефицированных объектах исторических городов Узбекистана (вторая половина XX – начало XXI века).....23

Mukhamedova Munisa Sabirovna
Formation and development of tourism prespects in local museum facilities of historical cities of Uzbekistan (in the middle of XX and at the beginning of XXI century) 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works 47

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ, ҚОРАҚАЛПОҚ ИЖТИМОИЙ ФАНЛАР ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017. Tar.01.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

КАМОЛИДДИН БЕҲЗОД НОМИДАГИ МИЛЛИЙ РАССОМЛИК ВА ДИЗАЙН ИНСТИТУТИ

МУХАМЕДОВА МУНИСА САБИРОВНА

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИЙ ШАҲАРЛАРИДАГИ МУЗЕЙЛАШТИРИЛГАН ОБЪЕКТЛАРДА ТУРИЗМНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ (XX АСР II ЯРМИ – XXI АСР БОШЛАРИ)

17.00.06 – Музейшунослик. Тарихий-маданий объектларни консервация қилиш, таъмирлаш ва сақлаш

ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида *B2019.2.PhD/Tar448*. рақами билан рўйхатга олинган

Диссертация Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (http:ik-tarix.nuu.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали (www.ziyonet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Исмаилова Жаннат Хамидовна**
тарих фанлари доктори

Расмий оппонентлар: **Муртазаева Рахбар Хамидовна**
тарих фанлари доктори, профессор

Мадраимов Абдумажид Абдураимович
тарих фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Тошкент давлат педагогика университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети, Қорақалпоқ ижтимоий фанлар илмий тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc 27.06.2017. Tar.01.04-рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «__ __» _____ соат _____даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Мирзо Ғолиб кўчаси, Ўзбекистон Миллий университетининг Тарих факультети, 1-қават, 110-аудитория.) Тел.: (99871) 227-12-24; факс: (99871) 246-53-21, (99871) 246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz Ўзбекистон Миллий университети).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Бош бино). Тел.: (99871) 236-46-55; факс: (99871) 246-02-24.

Диссертация автореферати 2020 йил «____»_____куни тарқатилди.
(2020 йил «____» _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси.)

А.А.Маврулов,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Д.Ж.Ураков,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., доцент

С.Б.Шадманова,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳондаги ривожланган давлатларда тарихий-маданий мерос объектларини сақлаш, музейлаштириш ва улардан маданий туризмда самарали фойдаланиш анъаналари шаклланган. Музейлаштирилган объектларда сайёҳликнинг такомиллаштириш мезонлари ҳамда тараққиёт омилларини аниқлаш маданий туризм индустриясининг самарали ривожланишига асос бўлади. Эндиликда музей туризмини ривожлантириш, барқарор йўналишларини белгилаш, кўчмас объектларни музейлаштириш, экомузейлар, корпоратив музейлар ва скансен музейларни илмий асосда ташкил этиш учун ривожланган давлатлар тажрибасини ўрганиш ва амалиётга олиб кириш етакчи масалалардан бирига айланди.

Дунёнинг бир қатор йирик музейлар илмий тадқиқот марказларида музейлаштирилган объектларда туризмнинг шаклланиши ва ривожланиши масалаларини ҳар томонлама ўрганиш устувор илмий йўналишлардан бири саналади. Маданий мерос объектларида туризм дестинациясини татбиқ этиш, музей туризмида фандрейзинг – нотижорат характердаги дастур ва лойиҳаларни амалга оширишга қаратилган айланма маблағларни жалб этиш, жамоатчилик билан алоқа қилишнинг инновацион воситаларини ишлаб чиқиш, сайёҳлар билан боғлиқ ахборот оқимини бошқариш, паблик рилейшнз, яъни музейлар тизимида маданий туризмга оид реклама хизматларини тарғиб қилиш каби масалалар олиб борилаётган илмий тадқиқотлар характерини белгилайди.

Ўзбекистонда маданий туризмни жадал ривожлантириш, сайёҳлар оқимини кўпайтириш, музей ва тарихий ёдгорликларда ички туризмни кенгайтириш борасида кенг кўламли ислоҳотлар олиб борилмоқда. Маданий туризм салоҳиятидан тўлиқ ва самарали фойдаланиш, музейлаштирилган объектлар, музей-қўриқхоналарда сайёҳликни ривожлантириш, туризм тармоғини кенгайтириш ва тубдан такомиллаштириш йўлларини ишлаб чиқиш, миллий туризм маҳсулотларини жаҳон бозорларида тарғиб қилиш, соҳага инвестицияларни жалб этиш жараёнлари эндиликда етакчи масалаларни жаҳон тажрибаси асосида илмий ўрганишни тақозо этади. Зеро, «Ўзбекистон туризм соҳасида улкан салоҳиятга эга бўлган давлат ҳисобланади. Юртимизда 7 минг 300 дан ортиқ маданий мерос объектлари мавжуд ва уларнинг аксарияти ЮНЕСКО рўйхатига киритилган. Шу билан бирга, мамлакатимизнинг бетакрор табиати, гўзал дам олиш зоналари имкониятларидан фойдаланиб, янги туристик йўналишлар очиш мумкин. Бу соҳага жаҳон брендларини фаол жалб этган ҳолда, биз зиёрат туризми, экологик, маърифий, этнографик, гастрономик туризм ва бу соҳанинг бошқа тармоқларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратишимиз зарур»[1].

[1]Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси – Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2018. – Б.60-61.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрдаги ПФ-4861-сон «Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2018 йил 3 февралдаги ПФ-5326-сон «Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони, 2019 йил 5 январдаги ПФ-5611-сон «Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 16 августдаги ПҚ-3217-сон «2018–2019 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, 2018 йил 6 февралдаги ПҚ-3510-сон «Ўзбекистон Республикаси туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, 2018 йил 19 декабрдаги ПҚ-4068-сон «Моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистонда маданий туризмнинг шаклланиши, ривожланиш тамойиллари ва хусусиятига доир илмий адабиётлар хронологик жиҳатдан уч гуруҳга бўлиб ўрганилди.

Биринчи гуруҳга совет даври нашрлари киритилди. Уларда музейлар иши тарихи, фаолияти, музей буюмларини ўрганиш, сақлаш, экспозиция ҳамда кўргазмалар ташкил этиш, музей туризмини ривожлантириш масалаларига эътибор қаратилган[2].

Ўзбекистон шаҳарларидаги тарихий ёдгорликларни ўрганиш ва уларни сақлаш, музейлаштириш, ёдгорликлар консервацияси, реставрацияси ҳамда улардан туризм инфратузилмасида фойдаланиш масалалари қатор

---

[2]*Гласс Ю.И., Ланда Л.М.* Музеи Узбекистана. Путеводитель-справочник. – Ташкент: Госизд., 1961. – 182 с.; *Садыкова Н.* Музейное дело в Узбекистане. – Ташкент: Фан, 1975. – 290 с.; *Садыков Х., Гласс Ю., Цой Е.* Музеи Узбекистана. Путеводитель-справочник. – Ташкент: Фан, 1978. – 118 с.; *Ананьев М.А.* Экономика и география международного туризма. – М., Изд. МГУ, 1975. – 299 с.; *Абуков А.Х.* Туризм на новом этапе: социальные аспекты развития туризма в СССР. – М., «Профиздат», 1983.. – 295 с; *Орлов М.А*. Крупные туристические центры. – М., Стройиздат, 1983. – 159 с.; Туристические маршруты // Сост.: *Волков В.С., Шапаткина К.Е.* – М., «Профиздат», 1985. – 144 с.; Немоляева, М.А., Ходорков М.Ф. Международный туризм: вчера, сегодня, завтра. – М., «Международные отношение», 1985. – 184 с.; *Дворниченко В.В.* Развитие туризма в СССР (1917-1983 гг.) Учеб. пособия. – М., Центр. рекл.-информ. бюро «Турист», 1985. – 87 с.; *Путрик Ю.С.* Туризм глазами географа. – М., «Мысл», 1986 – 155 с.; *Кудинов, Б.Ф*. Из истории развития туризма. – М., «Профиздат», 1986. – 21 с.; *Логинов Л.М., Рухлов Ю.В.* Из истории развития туристко-экскурсионного дела. – М., Центр рекл.- информ. бюро «Турист», 1989. – 77 с.

мақолаларда ҳам акс этган[3]. Аммо ушбу тадқиқотларда туризм масаласи асосан партиявий-сиёсий ёндашув нуқтаи назаридан кўриб ўтилган, локал ва ҳудудий хусусиятлар умумий ҳолатда баҳоланган.

Мустақиллик даври адабиётлари мавзуга алоқадор тадқиқотларнинг **иккинчи гуруҳини** ташкил этади. Янги методология ва аксиологик ёндошув асосида тадқиқ этилган мазкур асарларда музейлар миллий маънавиятнинг устувор соҳаси сифатида ўрганилган. Музей-қўриқхоналар фаолияти ва истиқболи масалалари, қолаверса музейшунослик фани асослари яратилган тадқиқотларда атрофлича ўз аксини топган[4]. Шунингдек, илмий тадқиқот ишларида Ўзбекистондаги тарих ва ўлкашунослик музейлари, уларнинг мустақиллик йилларидаги фаолияти ҳамда музей иши тарихи қамраб олинган[5]. Тадқиқот жараёнида ёдгорликларни муҳофаза қилиш ва таъмирлаш, тарихий шаҳар марказларини қайта тиклаш ҳамда улардан замонавий вазифалар учун фойдаланиш асослари, мустақиллик йилларида маданий туризмнинг ривожланиш босқичлари ёритилган ишлардан[6], жаҳон музейшунослиги амалиётидаги янгиликлар ва инновацион шакллар, кўчмас объектларни музейлаштириш, муҳофаза қилиш масалаларига эътибор қаратган ўқув қўлланма, дарслик ва монографиялардан[7] ҳам унумли фойдаланилди.

Музейлаштирилган тарихий-маданий мерос объектларида туризмнинг шаклланиши ва ривожланиши масаласи хориж тадқиқотларида ҳам ўрганилган бўлиб, уларни **учинчи гуруҳга** киритиш мумкин. Тарихий

---

[3]*Пугаченкова Г.А.* Вклад учёных Узбекистана в изучение архитектурного наследия республики // Строительство и архитектура Узбекистана // 1973.№ 7. – С. 1-3; *Захидов П.Ш.* Полвека охраны и реставрации памятников культуры Узбекистана // Строительство и архитектура Узбекистана. 1973.№ 7. – С.4–6; *Махмудова М. Т.* Беречь наследия народного зодчество// Архитектура и строительство Узбекистана. 1978. №12. – С.35–38; *Салимов А.М.* Опыт приспособления и использования памятников архитектуры при реконструкции исторических зон // Архитектура и строительство Узбекистана. 1978. №12. – С.33–34; Лазурный Самарканд // Турист. 1979. №12 – С. 6.; Мельников Ю. Все о туризме // Турист. 1980. № 11. – С. 15; *Абуков А*. Туризм для всех // Турист. 1981. №2. – С. 2-6; Абуков А. Всемирный день туризма // Турист.1981. №9. – С. 4; *Кирилова Ю.* Хореземские неожиданности // Турист. 1981. № 10. – С. 7-8; *Пугаченкова Г.А.* К создание региональной инициативной группы республик Средней Азии Советского комитета ИКОМОСа // Архитектура и строительство Узбекистана. 1982. №6. – С.31–33; *Крюков К.С., Худойкулов А.Х., Арадовский Я.Л.* Восстановление ансамбля Регистан в Самарканде // Архитектура и строительство Узбекистана. 1982. №2. – С. 18-23; *Крюков К.С.* Организационные формы охраны и реставрации памятников архитектуры Узбекистана (1920–1990) // Архитектура и строительство Узбекистана.1990. № 8. – С.34–36.

[4]*Курязова Д.Т.* Музей иши тарихи ва назарияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 2007. – 160 б.; Фузаилова Г., Хасанова М. Музееведение. – Ташкент: Фан ва технологиялар, 2008. – 192 с.

[5]*Қурбонова Д.* Хориж музейларида сақланаётган Темурийлар даврига оид тарихий ва маданий ёдгорликлар. Тарих фан. ном. дис. ... автореферати. – Тошкент, 2009. – 30 б.; *Курязова Д.Т.* Ўзбекистон музейлари ва уларнинг мустақиллик давридаги фаолияти (тарих ва ўлкашунослик музейлари мисолида). Тарих фан. ном. дис. ... автореферати. – Тошкент. 2009. – 30 б.; *Альмеев Р.* Музеи Узбекистана и социально-культурные перспективы их развития (1991–2000 гг.) Автореф. на соиск. уч. ст. докт. ист. наук. – Ташкент, 2012. – 50 с.

[6]*Салимов А.М.* Сохранение и использование памятников архитектуры Узбекистана (теоретические предпосылки и методология проектирования). Автореф.дисс. уч.степ. доктора архитектуры. – Ташкент, 2010. – 58 с.; *Джалилов О.З.* Проблемы и перспективы развития историко-культурного туризма в Узбекистане 1991–2011. Автореф. дисс. канд. ист. наук. – Ташкент, 2011. – 27 с.

[7]*Исмаилова Ж.Х., Мухамедова М.С.* Замонавий жаҳон музейшунослиги. Ўқув қўлланма. – Тошкент: Munis design group, 2013. – 310 б.; *Исмаилова Ж.Х., Нишанова К.С., Мухамедова М.С.* Музей ва жамият. Олий таълим муассасалари учун дарслик. – Тошкент: Чинор ЭНК. 2015. – 174 б.; *Мухамедова М.С.* Музейшунослик соҳасини ривожлантиришда миллий ва халқаро ташкилотлар фаолиятининг ўрни (XX - XXI асрлар). – Тошкент: Yosh kuch press matbuoti, 2017. – 297 б.

ёдгорликларда туризмни ташкил этиш, объектларни консервация қилиш муаммоларига бағишланган мазкур ишларда музей туризмини ривожлантириш масалаларига тўхталиб ўтилган[8]. АҚШ, Англия, Франция, Канада, Испания музейлари иш тажрибасига бағишланган илмий тадқиқот материаллари[9], МДҲ давлатларида музей иши ва туризмни ривожлантиришнинг инновацион шакллари ёритилган асарларга[10] ҳам таянилди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий тадқиқот муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Ўзбекистон тарихи давлат музейида бажарилаётган ФА-Ф-1-009 «Ўзбекистон музейлари XXI асрда. Янги йўналишлар ва ривожланиш истиқболлари асослари» фундаментал тадқиқоти (2017–2021 йиллар) лойиҳаси доирасида амалга оширилди.

Тадқиқотнинг мақсади XX асрнинг иккинчи ярми – XXI аср бошларида Ўзбекистон тарихий шаҳарларидаги музейлаштирилган объектларда туризмнинг шаклланиши, ривожланиши ва тараққиёт тамойилларини тизимли тадқиқ этишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Ўзбекистонда совет даврида туризмнинг шаклланиш тарихи ва музейлаштирилган объектлардан фойдаланиш масалаларига оид тадқиқотларни таҳлилий ўрганиш орқали маданий туризм тараққиётининг асосий босқичларини белгилаш;

тарихий шаҳарларда музейлаштирилган объектларнинг тадқиқ қилиш тарихини ёритиш, музейлар экспозициялари мазмун-моҳиятини аниқлаш ҳамда холисона баҳолаш;

---

[8] *Michael P.* International tourism. The econimics and development of the international tourist trade. – London: Hutchinson, 1969. – 286 p.; *Bryden Jon M.* Tourism and development. A case study of the Commonwealth Caribbean. – Cambridge University Press, 1973. – 236 p.; *Hall J.* The capacity toabsorb, tourists - Built Environment. 1974, vol. 8. pp. 244-247; *Hooper-Greenhill E.* Museums and their Visitors. – Routledge: 1994. – 206 p.; *Kirshenblatt-Gimblett B.* Destination Culture: Tourism, Museums, and Heritage. – University of California Press: 1998. – 348 p.; *Neil G., Kotler P., Wendy I.* Museum marketing and strategy: designing missions, building audiences, generating revenue and resources – 2nd ed. 2008. – 511 p.; *Rungard S.* Marketing and Public Relations Handbook for Museums, Galleries and Heritage Attractions. – Altamira Press. 2000. – 304 p.; *Stephen E.* Making Museums Matter. – Published by Smithsonian Books. 2002. – 288 p.; *Warren J.* Constervation of strukture in historic buildings // Architectual conservation. 2004. № 2. – P. 39–49.; *Du Cros B., McKercher B.* Cultural Tourism. – Routledge: 2 edition. 2015. – 290 p.

[9] *Culley S.* Museums and Tourists: A Quantitative Look at Curator Perceptions of Tourism. A thesis presented to the University of Waterloo in fulfillment of the thesis requirement for the degree of Master of Arts in Recreation and Leisure Studies. – Ontario: 2010. – 161 p.; *Jakubowski R. D.* Museum soundscapes and their impact on visitor outcomes: For the Degree of Doctor of Philosophy. Colorado State University Fort Collins. – Colorado: 2011. – 114 p.; *Jung, Y.* Building strong bridges between the museum and its community: an ethnographic understanding of the culture and systems of one community's art museum. Degree of Doctor of Philosophy. The Pennsylvania State University, 2012. – 310 p.; *Pop I. L.* Management and sustainable development of museums. PhD thesis. – Cluj-Napoca: 2017. – 42 p.

[10] *Блавиа М. Г.* Музей как посредник [между наследием и туризмом] // Museum: Межд. науч. журнал ЮНЕСКО. 1999. №2. – С.43-48; *Веревкин А. В.* Музей в туристическом бизнесе: Стратегия работы с сувенирной продукцией // Справочник руководителя учреждения культуры. 2004. № 3. – С.73-82.; *Багдасарян В.Э., Орлов И.Б., Мазин К.А., Федулин А.А., Шнайдген. Й.Й.* Советское зазеркалье. Иностранный туризм в СССР в 1930-1980-е годы. – М., Форум, 2007. – 256 с.; *Романчук А.В.* Музейный туризм. [Текст] Учебное методическая пособия. // Санкт-Петербург: 2010 – 46 с.; *Скобельцына А. С.* Технология и организация экскурсионных услуг. – М., Academia, 2013. – 176 с.; *Барчуков, И.С.* Методы научных исследований в туризме. – М., Академия, 2018. – 209 с.

Ўзбекистоннинг тарихий шаҳарларида шаклланган сайёҳлик маршрутлари фаолиятини яхлит тизим сифатида қиёсий таҳлил қилиш;

музей ва тарихий ёдгорликларда туристик экскурсия хизматининг ташкил этилиши механизмини ўрганиш орқали соҳадаги мафкуравий ёндашувлар муаммоларини очиб бериш;

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон тарихий-маданий мерос объектларининг музейлаштирилиши ва уларнинг туризм соҳаси ривожида тутган ўрнини таҳлил қилиш;

Ўзбекистондаги музейлаштирилган тарихий музей-қўриқхоналарнинг замонавий фаолиятини баҳолаб, уларда туризмни ривожлантириш истиқболларини тадқиқ этиш;

тарихий шаҳарларда маданий туризмни ривожлантириш борасида мавжуд муаммоларни аниқлаш, уларнинг ечимига доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти. Ўзбекистоннинг Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Тошкент каби шаҳарларидаги музейлаштирилган тарихий-маданий ёдгорликларда маданий туризмнинг шаклланиш тарихи тадқиқот объекти сифатида белгилаб олинди.

Тадқиқотнинг предметини ушбу тарихий шаҳарларда шаклланган сайёҳлик маршрутлари фаолияти, кўчмас объектларининг музейлаштирилиши, туризм экскурсия хизматлари ва музей туризмини ривожланиш жараёнлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тарихийлик ва илмийлик тамойиллари, шунингдек, қиёсий таҳлил, хронологик тизимли таҳлил каби илмий тадқиқот усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

совет даврида туризмдан келадиган даромадни асосан марказ манфаатларига хизмат қилганлиги, Ўзбекистонда мавжуд туристик бюролар фақатгина белгиланган шаҳарлар кесимидаги ёдгорликларни 40-50% ни қамраб олганлиги, улардан тўлақонли фойдаланиш учун имконият яратилмаганлиги, натижада бу ҳолат республикадаги маданий туризм ривожига салбий таъсир этганлиги аниқланган;

республикадаги маданий туризм дастурлари «Интурист» акциядорлик жамияти томонидан белгиланиб, локал хусусиятлар ҳисобга олинмаганлиги, кўплаб тарихий шаҳарларнинг туризм географиясига киритилмаганлиги, туристик маршрутлар совет мафкураси асосида ягона тизимга мослаштирилганлиги, шунингдек, хорижлик сайёҳлар учун муҳим бўлган миллий, этнографик хусусиятлар инобатга олинмаганлиги очиб берилган;

Мустақиллик йилларида республика музейлари ва музейлаштирилган объектлар қамровида рўй берган замонавий ахборотлаштириш тизими, мультимедиа ва аудиогид воситаларидан фойдаланиш, виртуал музей дастурларини такомиллаштириш, музейларда сайёҳликни ривожлантириш бўйича «VERUM QR» лойиҳаларининг жорий этилиши, кўчмас объектларни музейлаштириш тизимини такомиллаштириш орқали скансен музейлар,

корпоратив музейлар, экомузейлар яратиш имконияти мавжудлиги асослаб берилган;

музей туризмини ривожлантириш истиқболларига оид тавсиялар йирик марказий музейларда «Музей менежменти ва туризм» бўлимини очиш, «CUSEUM» – халқаро сайёҳлик мобил-илова платформасига Ўзбекистон музейларини киритиб, сайёҳлар томонидан берилган иқтибосларни аниқлаштирган ҳолда музейлар фаолиятини такомиллаштириш, Қашқадарё, Сурхондарё, Навоий, Фарғона вилоятларида музей-қўриқхоналар барпо этиш орқали Ўзбекистонда сайёҳлик имкониятларини ривожлантириш, маданий туризм дестинацияси қамровини кенгайтириш каби имкониятлар очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Ўрганилган тарихий-маданий объектлар асосида Ўзбекистонда маданий туризмнинг шаклланиши ва ривожланиши истиқболлари кўрсатиб берилган. Музейлаштирилган маданий объектларга бағишланган барча илмий адабиётлар ва бирламчи манбаларнинг ўзига хос, умумий ҳамда хусусий жиҳатлари, миқдор ва сифат даражаси аниқланган. Шу асосда Ўзбекистоннинг маданий туризм тизимида асосий маршрутлар фаолияти, музей ва тарихий ёдгорликларда экскурсия хизматини ташкил этиш, музей-қўриқхоналарни ривожлантиришга замонавий шаклларни татбиқ этиш, туристик фирмалар билан ҳамкорликда хорижий давлатларда кўчма кўргазмалар фаолиятини такомиллаштириш зарурлиги аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги замонавий музейшунослик, шунингдек, тарих фанида эътироф этилган ёндашув ва усуллар қўлланилганлиги, музей соҳасига оид кўп турдаги адабиётлар, ижтимоий-гуманитар фанлар вакилларининг тадқиқотлари, турли характердаги манбалардан фойдаланилганлиги, тарихий-маданий мерос объектларининг музейлаштирилиши ва туризм инфратузилмасига киритилишига доир янги принципиал қоидалар ва норматив ҳужжатлар ҳамда архив материаллари каби бирламчи манбаларга асосланилганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли идоралар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий натижаларидан Ўзбекистонда маданий туризм тарихи бўйича ўқув қўлланмалар ва дарсликлар яратишда, Музейшунослик кафедраси негизида ташкил этилган «Музей менежменти ва маданий туризм» йўналиши талабаларига «Маданий туризм тарихи ва назарияси», «Музей ва жамият», «Ёдгорликларни сақлаш ва таъмирлаш» каби мутахассислик фанларини ўқитишда фойдаланилмоқда.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, Ўзбекистонда совет ҳокимияти даврида кўчмас объектларнинг музейлаштирилиши, маданий туризм соҳасининг шаклланиши, ривожланиш босқичлари ҳамда асосий омилларини тарихий жараёнлар асосида тадқиқ этиш орқали мустақиллик йилларида музей-қўриқхоналар ва музейлар фаолиятида туризм

соҳасида амалга оширилаётган мақсадли давлат дастурларининг бажарилишига хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистоннинг тарихий шаҳарларидаги музейлаштирилган объектларда туризмнинг шаклланиши ва ривожланиши масалаларини тадқиқ этиш асосида олинган илмий натижалар қуйидаги йўсинда жорий этилган:

Бухоро давлат бадиий-меъморий музей-қўриқхонаси, Хива «Ичан-қалъа» давлат музей-қўриқхонаси ҳамда Самарқанд давлат бирлашган тарихий-меъморий ва бадиий музей-қўриқхонасининг музейлаштирилган объектларида туризмни ривожлантиришга оид илмий ҳужжатлар ва фотожамланмалар Ўзбекистон тарихи давлат музейидаги «Мустақил Ўзбекистон: Озод ва обод Ватан» экспозициясининг «Ўзбекистонда туризм тараққиёти» ва «Ўзбекистонда маданият ва маърифат» бўлимлари шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2018 йил 13 февралдаги 3/1255-401-сонли далолатномаси). Қўлланилган натижалар мазкур даврни фактик материаллар, манбалар ва маълумотлар билан тўлдиришга кўмак бериб, музей экспозициясини такомиллаштириш, мазмун моҳиятини илмий бойитишга хизмат қилган;

туризмни ривожлантиришда инновацион ғояларни татбиқ этиш истиқболлари Ўзбекистон амалий санъат ва ҳунармандчилик тарихи давлат музейида сайёҳлар учун театрлаштирилган томошалар дастури, халқ ўйинлари ва урф-одатларни намойиш этувчи маданий тадбирлар, замонавий халқ ҳунармандларининг кўргазма ярмаркалари ташкиллаштиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2018 йил 1 июндаги 0111-08-3894-сонли далолатномаси). Натижада музейга ташриф буюрувчилар орасида миллий маданий меросни кенг тарғиб этишга, белгиланган вазифалар ижросини амалиётга татбиқ қилишга эришилган;

Ўзбекистон тарихий шаҳарларидаги музейлаштирилган объектларда туризмнинг шаклланиши ва ривожланиш истиқболлариига оид илмий натижалардан ЮНЕСКОнинг «Музейлар бошқарувида ўқув дастурларини амалга ошириш» лойиҳаси доирасида 2015 йил нашрга тайёрланган дарслик мавзуларини ёритишда ҳамда Музейшунослик йўналиши бакалавриат босқичига мўлжалланган «Ёдгорликларни сақлаш ва таъмирлаш» ўқув дастурини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Бадиий академиясининг 2018 йил 5 декабрдаги 0309/430-1984-сонли далолатномаси). Улар музей туризми билан боғлиқ мавзуларни тайёрлаш, уларни бирламчи манбалар асосида бойитиш, музей иши асослари ҳамда тарихий-назарий масалалари борасида илмий хулосаларни кенгайтиришда қўлланилган;

совет даврида туристик тизим, мавжуд туристик бюролар фаолияти тарихий шаҳарлардаги ёдгорликлар, республикадаги маданий туризм ривожи бўйича ҳужжатлар факсимиляцияси, таржимаси, хариталар ва туризм тизимига оид янги манбалардан Ўзбекистон тарихи давлат музейининг «Совет ҳокимияти даврида Ўзбекистон» бўлимини мазмунан бойитишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2019 йил 8 июлдаги 3/1255-1897-сонли далолатномаси). Илмий натижаларнинг музей

экспозицияларига жорий этилиши совет даврида туризмнинг ўрни, туризм бошқарув тизимидаги ўзига хос хусусиятлар, хусусан, туристик бюроларнинг фаолияти ва коммунистик маданият сиёсатида уларнинг иштирокини тарихий манбалар асосида очиб беришга хизмат қилган;

туризм истиқболларига қаратилган илмий хулосалардан музейлаштирилган объектлар тавсифи, меъморий безаклари ҳамда методлари бўйича ўзбек, рус ва инглиз тилларида замонавий услубдаги ахборот базасини шакллантириш ва QR-кодлар билан таъминлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2019 йил 22 июлдаги 03-22/5510-сонли маълумотномаси). Натижада, республика сайёҳлик ҳудудларидаги музейлаштирилган объектларда хизмат кўрсатиш ҳамда музей туризмини ривожлантириш амалиётининг самарали механизмини йўлга қўйишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация натижалари 10 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 4 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 24 та илмий иш чоп этилган. Шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола (улардан 8 таси республика ва 2 таси чет эл журналларида) эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг тадқиқот қисми 140 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги асосланиб, даврий чегараси, ўрганилиш даражаси, мақсад ва вазифалари, тадқиқотнинг объекти ва предмети ёритилган, муаммога оид манбалар таҳлил қилинган, тадқиқот методлари асосланган, мавзунинг илмий янгилиги, натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, ҳимояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар, тадқиқот апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги, таркибий тузилиши тавсифланган.

Диссертациянинг **«1960–1991 йилларда Ўзбекистонда туризм шаклланишининг асосий жиҳатлари ва музейлаштирилган объектлардан фойдаланиш масалалари»** деб номланган биринчи бобида совет даврида Ўзбекистонда туризм ривожининг асосий хусусиятлари ёритилган, шунингдек, тарихий ёдгорликлар ва музейлардаги сайёҳлик фаолияти таҳлил қилиниб, соҳадаги муаммолар тадқиқ этилган.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг совет ҳукуматининг хорижий давлатлар билан алоқаларни мустаҳкамлаш йўлидаги ҳаракатлари натижасида Ўзбекистонда ҳам туризм соҳаси ривожланиб борди. 1950-йилларга келиб, туризм инфратузилмаси билан боғлиқ бўлган корхоналар, туристларга

хизмат кўрсатадиган асосий соҳалар, хусусан, меҳмонхоналар, хорижий сайёҳлик фирмалари билан ҳамкорлик ташкил этилди. Шунингдек, туризм соҳаси бўйича кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш борасида марказий Интурист ташкилотига бириктирилган ўқув курслари, ахборот ва реклама хизмати, туристлар учун товар ишлаб чиқарувчи шохобчалар фаолияти шакллана бошлади.

Хусусан, 1960 йиллардан Ўзбекистонда туризм ривожи фаол характери бошланиб, маҳаллий аҳоли учун туризм хизмат дастурларини ишлаб чиқиш ва йўлланмалар тайёрлаш билан шуғулланувчи Ўзбекистон Республикаси Касаба уюшмалари кенгашининг Туризм ва экскурсиялар бўйича туристик экскурсия бошқармаси ташкил этилди[11]. Ушбу бошқарма 1960–1973 йилларда турли номларда фаолият юритган.

1964 йил 13 июнда Ўзбекистон Министрлар Совети ҳузурида махсус объектлар, умумтуристик кўрсаткичлар ва экскурсия хизмат шаклларини такомиллаштириш мақсадида Чет эл туризми бошқармаси ташкил этилди[12]. Европа давлатларида 1950 йиллардаёқ туризм соҳасидаги шунга ўхшаш ташкилотлар ўз фаолиятини шакллантирган бўлиб, улар бевосита суғурта агентликлари билан ҳамкорликда иш олиб борар эди.

1969–1970 йилларда туристларга хизмат кўрсатиш даражаси бирмунча яхшиланиб, чет элликлар ташрифи 20–30 фоизга ортди. Бу даврда Ўзбекистон хорижлик сайёҳларни қабул қилиш бўйича Россия, Украина ва Грузиядан сўнг тўртинчи ўринни эгаллади[13]. Аммо туризмдан келадиган даромаднинг марказ манфаатларига бўйсундирилганлиги оқибатида Ўзбекистон тарихий-маданий обидаларни тиклаш, таъмирлаш ва муҳофазалаш, музейлар фондидаги ноёб экспонатларнинг тўлақонли экспозициясини ташкил этишда маблағлар етишмовчилигига дуч келди.

1983 йил 27 октябрда Чет эл туризми бошқармаси Ўзбекистон Чет эл туризми Бош бошқармаси деб ўзгартирилди. 1988 йил 26 июнга келиб, ҳукумат қарори билан ушбу бошқарманинг фаолияти тугатилди. 1989 йилда Ўзбекистон Министрлар Совети қошида «Сайёҳ-интур» хўжалик ҳисобидаги бирлашмаси ташкил топди[14].

Умуман олганда, туризмнинг ривожи учун Ўзбекистоннинг салоҳияти жуда юқори бўлса-да, бу даврда ундан оқилона фойдаланилмади. Республика ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маданий ҳаётининг коммунистик мафкура ғояларига бўйсундирилиши бу соҳада ҳам маълум чекловларни келтириб чиқарди. Бутуниттифоқ туристик ташкилоти – «Интурист» томонидан Ўзбекистон бой табиий туристик ресурслари, мавжуд тарихий, табиий, диний, археологик, меъморий ёдгорликларининг туризмдаги аҳамияти қисман қамраб олинди. Музейларда эса ўзбек халқининг бой маданий мероси, жаҳон тамаддунидаги ўрни, миллий ўзлик ғояларига мос экспозициялар яратилмади. Туризмнинг диний, этнографик, табиий-экологик

[11] ЎзР МДА. Р-2776-жамғарма, 1-рўйхат, 2-иш, 24-варақ.
[12] ЎзР МДА. Р-837 жамғарма, 41-рўйхат, 4169-иш, 92-варақ.
[13] ЎзР МДА. Р-2753-жамғарма, 1-рўйхат, 60-иш, 1-варақ.
[14] ЎзР МДА. Р-2753-жамғарма, 1-рўйхат, 77-иш, 18-варақ.

турлари деярли ривожланмай қолиб кетди. Маданий объектлар билан танишувда Ўзбекистонни туристик жиҳатдан районлаштириш ва маршрутларни белгилашдаги бир ёқлама ёндошув туризм тараққиётига жиддий тўсиқ бўлди.

Диссертациянинг **«Музей ва тарихий ёдгорликларда туристик маршрутлар ва экскурсия хизмати фаолияти»** деб номланган иккинчи бобида совет даврида Ўзбекистонда тарихий объектлар бўйича ташкил этилган маршрутлар ва экскурсия хизмати шаклларининг ривожланиш босқичлари тадқиқ этилди.

Туризмнинг ишчи дастури сифатида маршрутлар бўйича йўлкўрсаткичлар яратиш ва амалиётга татбиқ этиш тарихий шаҳарларда сайёҳликни ривожлантиришдаги муҳим воситалардан бири ҳисобланади. Жумладан, 1970-йилларга келиб, республикада ҳар бир маршрут учун махсус «Туристик маршрутлар карточкаси» тузилган ва унда маршрут ҳақидаги умумий маълумотлар билан бир қаторда, ҳаракатланиш дастури, туристик базалар ва экскурсия олиб борилган объектлар ҳақидаги хабарлар ҳам берилган[15].

1973 йилда Ўзбекистон ҳудудидаги туризм маршрутларини ташкиллаштиришнинг 1974-1980 йилларга мўлжалланган истиқболли режаси ишлаб чиқилди. Унда туристларга экскурсия объектлари сифатида қадимий шаҳарлардаги тарихий-«инқилобий» муҳитни акс эттирувчи ёдгорликларни намойиш этиш зарурати қатъий белгилаб қўйилди[16], бунинг натижасида тарихий-маданий аҳамиятга молик ёдгорликлар эътибордан четда қолиб кетди.

Истиқболли режа асосида 20 кунлик «Ўзбекистон бўйлаб» таништирув маршрути, 12 кунлик «Ўзбекистоннинг археологик объектлари бўйлаб» маршрути, 20 кунлик «Ўзбекистоннинг қадимий шаҳарлари бўйлаб» маршрутлари лойиҳалари ишлаб чиқилди[17]. Ҳар бир объектни экскурсия дастурига киритиш учун махсус паспорти тузилди. Унда объектнинг номи, жойи, сурати, объект билан боғлиқ тарихий манбалар ва бошқа маълумотлар ёзилган. Маршрут ишланмасидаги 3–4 соатлик таништирув лойиҳасида 15–20 та экскурсия объектларини кўриш тасдиқланган эди.

Тарихий шаҳарларга уюштириладиган экскурсиялар мазмун-моҳиятига кўра икки хил бўлиб, улар кенг қамровли ва аниқ мавзуга оид турларга бўлинди. Кенг қамровли экскурсиялар тарихий, иқтисодий, сиёсий мавзуларни умумлаштирган ва асосан расмий делегациялар ташрифи жараёнида ташкил қилинган. Уларда сайёҳлар республикадаги сиёсий-ғоявий масалалар, маҳаллий иқтисодий ривожланиш жараёнлари, маориф соҳаси ва аҳоли турмуш тарзи билан танишганлар.

Аниқ мавзуга оид экскурсиялар музейлаштирилган объектлар, яъни тарихий-археологик, меъморий ёдгорликлар, музейлар ва ҳайкалтарошлик намуналари жойлашган ҳудудлар туристик маршрутларида олиб борилган.

---

[15] ЎзР МДА. Р-2776-жамғарма, 1-рўйхат, 39-иш, 29-варақ.
[16] ЎзР МДА. Р-2776-жамғарма, 1-рўйхат, 97-иш, 18-варақ.
[17] ЎзР МДА. Р-2776-жамғарма, 1-рўйхат, 113-иш, 7-варақ.

Шуни қайд этиб ўтиш лозимки, экскурсия мавзусининг матнларини тайёрлашда илмий ёндашувлардан чекинилиб, туристлар учун ғоявий-сиёсий қарашлар уйғунлаштирилган махсус сценарий дастурлари ишлаб чиқилган. Экскурсияларни ташкил қилиш, уларнинг матнини яратиш Туризм ва экскурсия Марказий Кенгаши, Чет эл туризми бошқармаси, «Спутник» халқаро ёшлар туризм бюроси, Мудофаа вазирлигининг туризм ва экскурсия бошқармаси ва Халқ таълими бошқармаси ҳамкорлигида амалга оширилар эди[18].

Республика туризми соҳасида малакали кадрларнинг етишмаслиги ва хизмат кўрсатиш даражасининг пастлиги экскурсия ўтказишда қатор ноқулайликлар келтириб чиқарган. Асосан пойтахт меҳмонхоналари ва аэропорти қошидаги «Союзпечать» дўконларида чет тиллардаги газета ва журналлар савдоси йўлга қўйилган бўлиб, республиканинг бошқа тарихий шаҳарларида бундай турдаги хизмат кўрсатилмас эди[19]. Гарчи шундай бўлсада, Ўзбекистон ҳудудида маҳаллий ва хорижий сайёҳлик оқими кенгайиб борди. Жумладан, 1975 йилда Ўзбекистонга 60 дан ортиқ мамлакатдан 92 000 га яқин, иттифоқчи республикалардан эса 263 000 дан ортиқ туристлар келдилар[20].

1980 йилга келиб, экскурсаводларни ўқитиш ва қайта тайёрлаш ишлари йўлга қўйилди. Республика туризм ва экскурсиялар ташкилотларида 800 дан ортиқ, шунингдек, 133 корхона ва 54 музейда бир қатор малакали экскурсоводлар 400 хил мавзуда экскурсиялар олиб борганлар. Матбуот хабарларига қараганда, экскурсия хизматларини такомиллаштириш мақсадида ҳар йили «Туризм ва экскурсиялар бўйича Республика советининг энг яхши экскурсоводи» танловлари ўтказилган[21].

Аҳолига кўрсатилган сайёҳлик-экскурсия хизматлари ҳажми 1980–1985 йиллар оралиғида 34,5 млн. рублдан 59 млн. рублга ўсди. Беш йил ичида хориждан келган туристларга 257 млн.рубль. ҳажмида хизмат кўрсатилди[22]. Экскурсия уюштирадиган ташкилотлар орасида Бухоро, Хива, Андижон, Нукус, Шаҳрисабз, Термиз каби 9 та саёҳат ва экскурсиялар бюролари ҳам ўз фаолиятини такомиллаштирди[23].

Тадқиқотда XX аср ўрталарида Ўзбекистонда мавжуд туризм хизмати мустақиллик даври арафасига келиб анча юқори босқичга кўтарилганлиги, аммо бу соҳадаги ишлар қатор муаммолар билан борганлиги манбалар асосида батафсил очиб берилган.

Тадқиқотнинг **«Мустақиллик йилларида музейлаштирилган тарихий-маданий мерос объектларида туризмни ривожлантириш истиқболлари»** деб номланган учинчи бобида Ўзбекистоннинг музейлаштирилган тарихий-маданий мерос объектларида туризмни

---

[18]*Абуков А*. Туризм для всех // Турист. –1981.№2. – С. 3.
[19]ЎзР МДА. Р-2753-жамғарма, 1-рўйхат, 60-иш, 7-варақ.
[20] Ўзбек совет энциклопедияси. 11 том. – Тошкент, Ўз СЭ, 1978. – Б. 363.
[21] Хизматингиздамиз, одамлар // Совет Ўзбекистони. 1980 йил 24 декабрь.
[22]ЎзР МДА. Р-2487-жамғарма, 3-рўйхат, 6269-иш, 94-варақ.
[23]ЎзР МДА. Р-2776-жамғарма, 1-рўйхат, 312-иш, 12-варақ.

ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишлар илмий жиҳатдан ўрганилди ва соҳанинг истиқболларига оид фикр-мулоҳазалар берилди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида Ўзбекистонда туристик индустрия ресурсларини тиклаш механизмини шакллантиришга эътибор қаратилди. Тарихий-маданий обидалар, осори атиқаларнинг бадиий ва эстетик қийматини тиклаш орқали оммага етказиш, хорижий ташкилотлар, сайёҳлик марказлари билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатиш ишлари йўлга қўйилди. 1993 йилдан бошлаб хорижий давлатларда Ўзбекистон музей-қўриқхоналарининг кўчма кўргазмалари ташкил этила бошланди. Жумладан, Франциянинг Париж, Тулуза ва Нормандиянинг Коан шаҳарларида Самарқанд давлат бирлашган тарихий-меъморий ва бадиий музей-қўриқхонаси фондларида сақланаётган санъат асарларининг кўргазмаси ташкил этилди.

Ўзбекистонда маданий туризмни ривожлантиришда Хивадаги «Ичан-қалъа» давлат музей-қўриқхонаси, Самарқанд давлат бирлашган тарихий-меъморий ва бадиий музей-қўриқхонаси ва Бухоро давлат бадиий-меъморий музей-қўриқхоналарининг фаолияти катта аҳамият касб этди.

«Ичан-қалъа» музей-қўриқхонасида 53 та музейлаштирилган меъморий ёдгорлик мавжуд бўлиб, шундан 31 та ёдгорлик сайёҳлик йўналишига киритилган ҳамда 14 тасида музей экспозициялари жойлашган[24]. Сайёҳлар учун асосан «Хива шаҳрининг тарихий обидалари», «Хоразмда шаҳарсозликнинг ривожланиши», «Қадимги ва ўрта асрларда Хоразм шаҳарлари», «Маъмунийлар даврида илм-фан ва маданиятнинг юксалиши» мавзуларида экскурсиялар ташкиллаштирилган[25].

«Ичан-қалъа» музей-қўриқхонасининг Тошҳовли саройида доимий фаолият кўрсатувчи либос ва театрлаштирилган томошалар, Оллоқулихон мажмуасида фольклор-этнографик тарихий кинохроникалар, ўзбек миллий киноси дурдоналари намойиш қилинмоқда. Ёқуббой Хўжа мадрасасида қадимги Хива гиламлари тўқиш устахонаси ишга туширилди, сайёҳлар Хива гиламларини қадимги технология асосида тўқиш жараёни билан танишмоқдалар[26].

Музейлаштирилган тарихий ёдгорликлар бугунги кунда сайёҳлик объекти бўлиш билан бирга, замонавий функцияларни ҳам бажармоқда. Муҳаммад Раҳимхон мадрасасида «Хоразм тарихи ва адабиёти» музейи, Ислом Хўжа мадрасасида «Хоразм амалий санъати» музейи фаолият кўрсатаётган бўлса, Оллоқулихон мадрасасида анъанавий «Ҳунармандчилик» маркази фаолият олиб боради[27]. Ҳудуддаги туризм ишларининг тўғри йўлга қўйилиши натижасида, «2000 йилда Хивага келган сайёҳлар сони 141 541 кишини ташкил қилган»[28] бўлса, «2015 йилда уларнинг сони 711 870 тага етди»[29].

---

[24]*Юсупов Ҳ.* Хива шаҳрига саёҳат. Йўлкўрсатгич. – Урганч, 2018. – Б.7.
[25] Хива «Ичан-қалъа» давлат музей-қўриқхонасининг 2010 йил учун ҳисоботи. – Б. 25.
[26]*Давлетов Б.* «Ичан-қалъа» музей-қўриқхонаси // Мозийдан садо. 2015. № 2 (66). – Б. 26–27.
[27]*Зияева Д.* Хоразмнинг тарихий обидалари // Мозийдан садо. 2015. № 3 (67) – Б.23.
[28]*Аваз С., Болиев Э., Муҳамаджонов Н.* Хоразм: улли эврилишлар қучоғида // Халқ сўзи. 2000 йил.12 август.
[29] Хива «Ичан-қалъа» давлат музей-қўриқхонасининг 2015 йил учун ҳисоботи. – Б.7.

Мустақиллик йилларида Самарқанднинг замонавий шаҳар ва туристик мажмуа сифатидаги вазифаларини уйғунлаштириш муаммосига эътибор қаратилди. Шу мақсадда маҳаллий архитекторлар ва ЮНЕСКО қарорига асосан, тарихий шаҳар қиёфасини бузадиган замонавий тураржойлар қурилиши тўхтатилди. Музей-қўриқхона томонидан Самарқанд вилояти ҳудудидаги 2,5 мингга яқин археологик ёдгорликлар ҳамда 770 та меъморий обидалар рўйхатга олинди[30]. «Туристик маршрутлар узвийлигини таъминлаш мақсадида 400 дан илмий ишланмалар яратилган»[31]. Мазкур ишланмаларда сайёҳлик йўл ҳариталарини тўғри белгиланиши, қулайлиги, ўзаро мувофиқлиги масалалари қамраб олинган. Улуғбек расадхонасидан бошланадиган саёҳат маршрутида Ҳазрати Дониёр қадамжоси, Афросиёб тепаликлари, Ҳазрати Хизр масжиди ва мақбараси, Регистон мажмуаси, Руҳобод, Гўри Амир, Оқсарой мақбаралари ва кўпгина музейлаштирилган обидалар билан танишиш мумкин бўлди.

Музейлаштирилган тарихий ёдгорликлари билан сайёҳлар эътиборини ўзига тортиб келаётган Ўзбекистоннинг яна бир йирик туристик марказларидан бири бўлган Бухоро вилояти ҳудудида 146 та республика ва 514 та маҳаллий аҳамиятга эга бўлган, жами 660 та тарихий-маданий мерос объектлари сақланиб қолган[32].

Тарихий сарой ва меъморий мажмуалардан иборат Бухоро давлат бадиий-меъморий музей-қўриқхонаси биноларининг сони 2006 йилда 31 тага етди[33]. Музей-қўриқхона 2010 йилда 24 та сайёҳлик фирмаси билан ўзаро ҳамкорлик ҳақида шартномалар тузди ва туризм соҳасидаги ҳамкорлик ишларини янада кенгайтирди. Амалга оширилган ишлар ўз натижасини берди. 1993–1999 йилларда Бухорога йилига 5 000 турист ташриф буюрган бўлса, бу кўрсаткич 2000 йилда 35 000, 2010 йилга келиб 606 200 кишига етди. 2016 йилда Бухоро давлат бадиий-меъморий музей-қўриқхонасига келувчилар сони 2009 йилдаги 469 400 кишига нисбатан 29% га, барча сайёҳлик ташкилотлари томонидан музей-қўриқхона объектларида экскурсия ўтказиш 9% га, шу жумладан, музей-қўриқхона ходимлари томонидан ўтказилган экскурсиялар сони 5% га, хорижий сайёҳларнинг ташрифи – 14% га ортди[34].

Мустақиллик йилларида Ўзбекистондаги йирик музей-қўриқхоналар билан бир қаторда Қўқон шаҳар ўлкашунослик музейи ва унинг шуъбалари, яъни Ҳамза уй-музейи, Муқимий ҳужра музейи, Қодиржон Ҳайдаров уй-

---

[30] Самарқанд давлат бирлашган тарихий-меъморий ва бадиий музей-қўриқхонаси 2009 йил учун ҳисоботи. – Б.11.

[31] *Ахмедов М.К.* Храм огня на городище Афрасиаб // Маскан. Архитектура и строительство Узбекистана, Казахстана, Азербайджана, Кыргызстана, Таджикистана, Туркменистана. – 1993. № 1–2. – С. 7.

[32] *Аҳмедов М.* Бухоро меъморий обидалари мустақиллик йилларида // Ўзбекистон архитектураси ва қурилиши. 2007. № 2. – Б.21-23.

[33] Бухоро давлат бадиий-меъморий музей-қўриқхонасининг илмий, фонд, маънавий, маърифий ва хўжалик фаолияти бўйича 2010 йилги ҳисоботи. Б.19-21.

[34] Бухоро давлат бадиий-меъморий музей-қўриқхонасининг илмий, фонд, маънавий, маърифий ва хўжалик фаолияти бўйича 2016 йилги ҳисоботи. – Б.36-37.

музейларида ҳам сайёҳлар учун янги экскурсия дастурлари ишлаб чиқилди[35]. Қўқон шаҳар ўлкашунослик музейи жорий архиви материалларининг илмий таҳлили шуни кўрсатадики, ҳудудда туристик инфратузилмани янада такомиллаштириш, замонавий янги меҳмонхоналарни ишга тушириш, миллий ҳунармандчилик марказини ташкил этиш, сайёҳларни фақат тарихий-маданий мерос объектлари билангина эмас, балки ҳунармандлар устахоналари ва тўй маросимлари билан ҳам яқиндан таништириш ишларини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир.

